

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти**  
**Ягона акциядорининг 1-сон**  
**КАРОРИ**

2022 йил “12” май

Тошкент шаҳри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб - “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ички корпоратив ҳужжатларини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.**

**2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.**

***Қун тартибидаги масалалар юзасидан:***

Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритилган. Жумладан, акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари аъзолари ва бошқаруви аъзоларининг сайлаш ҳамда тайинлаш муддатлари бир йилдан уч йилга узайтирилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги Фармонининг:

15-бандида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида 2022 йил 1 апрелдан кейин ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмаслиги;

17-бандида Фармоннинг 6-иловасида кўрсатилган акциядорлик жамиятларида жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиши ва унга бўйсунадиган лойиҳа офиси ташкил этилиши, уларнинг харажатлар сметаси кузатув кенгаши томонидан алоҳида тасдиқланиши ҳамда жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосарига ижро органининг барча раҳбар ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар трансформацияга тегишли масалалар бўйича ҳисобдор бўлиши;

19-бандида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилиши;

9 иловасининг 25-бандида давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида ҳар чорақда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўймаслик ва ижро органи раҳбари ва бошқарув аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутиш белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги ва Ижро органи тўғрисидаги низомларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиб уларнинг янги тахрирларини тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, жамиятларда ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиши ва унга бўйсунадиган лойиҳа офиси ташкил этилиши топшириғини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасининг тасдиқлаш лозим.

Ушбулардан келиб чиқиб “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, қарор қилади:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги ва Ижро органи тўғрисидаги низомлар янги тахрирлари 1-3 иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси 4 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг бошқарув раиси У.М.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Молия вазирининг  
биринчи ўринбосари**

**О.Насритдинходжаев**